



ARTICLE INFO

Received: 23th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

Melody, music, dance, theater, body makam Buzruk, master-disciple, tradition, orazibom, Ufori Navo, Ufori Dugoh.

DANCE GROUPS IN KHORAZM DUTOR MAKAM AND SIX HALF MAKAMS

Baltayev Umid Rustamovich

Urgench State University

Teacher of the "Art" department

Email: umidbaltaev1981@urdu.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399278>

ABSTRACT

This article is written about the dance art of the Khorezm local style and traditional professional music of the Uzbek people, which are closely related to status. Information about the emergence, history, development of dance art and its differences and similarities with other genres in Uzbek music is presented.

ХОРАЗМ ДУТОР МАҚОМЛАРИ ВА ОЛТИ ЯРИМ МАҚОМЛАРИДА РАҚС ТУРКУМЛАРИ

Балтаев Умид Рустамович

Урганч Давлат университети

"Санъат" кафедраси ўқитувчиси

Email: umidbaltaev1981@urdu.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399278>

ABSTRACT

Ушбу мақола ўзбек халқининг Хоразм маҳаллий услугуга хос рақс санъати ва анъанавий касбий мусиқа бўлмиши мақомлар билан чамбарчас боғлиқ томонлари хақида ёзилган. Рақс санъатини пайдо бўлиши, тарихи, ривожланиши ва унинг ўзбек мусиқа ижодида бошқа жанрлардан фарқли ҳамда ўхшаш томонлари тўғрисида маълумот келтирилган.

ARTICLE INFO

Received: 23th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

Кўй, мусиқа, рақс, театр, тани мақоми Бузрук, усто-шогирд, анъана, оразибом, уфори Наво, уфори Дугоҳ.

Кириш. Юртимиизда мусиқа қадриятларимизни тарихий ва назарий асосларини ўрганиш, уларни сақлаб қолиш борасида сўнги йилларда қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган[1]. Ушбу қарор ва фармонлардан келиб чиққан холда Ўзбекистонда мавжуд бўлган маҳаллий услубларига хос худудларда рақс санъатини ривожлантириш назарда тутилган. Халқимизнинг маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва жаҳон рақс санъатининг номуналаридан кенг



баҳраманд этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Рақс санъати соҳасида “устоз-шогирд” анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш кадрлар тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самаралари фойдаланган холда илм-фани ривожлантириш назарда тутилган[2]. Рақс санъати миллий мусиқий қадриятларимиздан бири хисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Рақс ижрочилиги ва рақс куйлари борасида кейинги давр билимдон устоз санъаткорлардан Г. Матякубова ва мусиқашунос олим Ш. Эшжонова, Г. Рахимова, Т. Кличев, О. Матякубов, Р. Болтаевнинг олиб борган изланишлари ва тадқиқотлари диққатга сазовордир. Г. Матякубованинг 2017 йилда чоп этилган “Лазги” номли китоби ва О. Матякубов, Р. Болтаев, Х. Аминов “Хоразм танбур чизифи” китоби ушбу тадқиқотимиз учун асосий манбалардан бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада мақом туркумларини таҳлили, назарий томонларига эътибор қаратдик. Туркумларни таҳлил қилиш учун устоз, мусиқашуносларнинг фикрларини ўргандик. Маълумотларни асослашда ва таққослашда бир нечта манбаларга таяндик. Мавзуни очиб бериш мақсадида мақом чолғу куйлари ва рақс куйларини назарий асослари ва келиб чиқиши томонларига эътибор бердик. Тадқиқотнинг энг кенг қўриниши ёзма манбалар, китоб ва оғзаки сухбат услубидан Ўзбекистон халқ артисти Г. Матякубова ва мусиқашунос олим Р. Болтаев фикрларидан кенг фойдаландик.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, мусиқа ва рақс санъати халқ маънавияти ва анъаналарининг қўзгусидир. Бугунги даврда миллий қадриятларнинг қайта тикланиш жараёни маданий меросимизни, шу жумладан асрлар давомида шаклланган бадиий анъаналармизни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда. Бу борада халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган, халқимиз томонидан яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб ўзининг мавкеини сақлаб келаётган халқ ижодиёти намуналари – ҳар доим ҳам ёшлар тарбиясида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, касбга садоқат, инсонларга меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қилиб келган, доимо ўзининг руҳий ва маънавий таъсирини ўтказган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой маданий меросимиз, миллий ўзлигимиз бетакрор қадрият ва анъаналаримиз, маданият ва санъатимизни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, “устоз-шогирд” анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратишни замоннинг ўзи талаб этмоқда[2].

Ўзбекистонимиз бағрида гуллаб-яшнаётган Хоразм санъати ва маданияти тўғрисида буюк олимларимиз С.П.Толстовнинг “Древний Хорезм”, “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари, Исо Жабборовнинг “Кўхна харобалар сири”, Т.Қиличевнинг “Хоразм халқ театри”, В.И.Авдиевнинг “Қадимги шарқ тарихи”, М.Рахмоновнинг “Ўзбек театр тарихи”, Геродотнинг “Тарих” китоби, IX том, С.П.Сенсеревнинг “Легенда О Хорезма”, Маъмун академияси архивларида сақланаётган маълумотлар, археологик қазилмалар натижасида Жонбосқалъя, Калтаминонр ёдгорликлари ва “Авесто” китобидаги маълумотлар бизгача етиб келган[5].



Юқоридаги манбаларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, Хоразм рақслари тарихини ибтидоий замондан, то XX асрғача босиб ўтган йўлини, шаклланишини, тараққиёт йўлларини, шунингдек, ҳар бир тарихий даврдаги услугуб ва жанрларини ўзига хос хусусиятларини борича аниқлаб чиқишга имкон беради.

Шу ерда эл севган, буюк санъаткар Ўзбекистон, Туркманистон, Қарақолпоқистон халқ артисти К. Отваниёзов ижро қилган “Тўйлар муборак” қўшиғидаги бир мисрага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Тўйга келар – қарри ёш, йигит-қизлар қалам қош

Барча тўйга келгандар дўсту иноқ ҳам қардош.

Созанда ол созингни шайлагил овозингни

Тўйда қилайлик ялла, ўйинчи қил нозингни.

Комил қилади табрик элу халқим табаррук

Томошалар мўл бўлсин ўйин мақоми Бузрук[10].

Хозир ижро қилинадиган Тани мақоми Бузрук лад тузилишига эътибор қиладиган бўлсақ, айнан шу лад асосида бугунки кунгача яшаб келаётган Дутор мақоларида сақланиб қолган, рақс куйларини учратиш мумкин.

Тани мақоми Бузрук

М.М. $\text{♩} = 60$

Мақом жанри кўлами кенг, шеърий матн маъноси чуқур алоҳида тайёргарлик талаб этадиган, маҳсус мактаб ўтаган хонада ва хофизлар куйлайдиган диапазони кенг бўлган асарларни ўз ичига олади[7].

Мақом жанридаги асарларнинг тузилиши, турли мусиқий ва шеърий мураккабликларга эга бўлганлиги учун ўзларига касб қилган айrim ижодкор санъаткорларга хос бўлган мусиқий мажмуадир.

Хозирги давр рақс санъати усталари репертуарида мустаҳкам ўрин эгаллаб, мумтоз рақс турлари хисобланган бир қанча рақслар авлоддан-авлодга ўтиб, устоз-



шогирд анъаналари асосида сақланиб келмоқда. Рақсдаги ҳар бир ҳаракат айнан устозлар ижро қилған усулда ёшлар томонидан ўрганиш йўлга қўйилган.

Бизнинг юртимизда бой маънавий ҳазина мавжудки, у неча минг йиллар аввал ҳам ижро этилган ва биздан кейинги авлодлар ҳам ижро этишга етиб ортадиган бойлик ҳисобланади.

Хоразм олти ярим мақоми ичида мужассам бўлган “Бузрук” мақоми лад тузилиши шундай бир улуғворлик ва рақс боб оҳанглар мужассам бўлганлигига шубҳа йўқдир. Бунга мисол Хоразм Дутор мақомларига кирувчи “Оразибом” оҳангларидаги лад тузилиши қўриб чиқсан.

Оғакий газали

Allegretto

Ишқинг га - ми-да
Хажринг ту - ни-да
ё - ни - ма раҳм эт
(ё - - -) рай
бо - нинг бў - ла - ий - най
Жавринг че - кибон
жо - ну ха - зин

Тадқиқот натижасидан келиб чиқсан холда шуни айтиш мумкинки Хоразм олти ярим мақом мажмуасидаги Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ ва Сегоҳ мақом Уфорилари айнан рақс билан ижро қилинадиган куй ва ашулалар. Уфориларнинг ўлчови, доира усули, суръати анча тез бўлиб рақс ижросига мосдир. Масалан Уфори Наво, Уфори Дугоҳ эл орасида кенг тарқалган рақс куйлари. Бу рақсларни асосан эркак раққослар, хозирги даврда эса аёл раққослар билан биргаликда ижро қилиш урфга кирган[6].

Уфори Наво

М.М. $\text{♩} = 90$

1-Хона



Эй жаб - ру си - там - ли ху - ри - зо - дим Бил
дим си - та - минг ни шо - ди бо - дим Сен бир - ла ха - ми -
ша фик - ри ё - дим Халкич - ра фа - со - на бўл - ди о - дим Ет
гай - мусан - га бу ар - зи до - ди - ма ё - рай жон - на - ё -
Уфори Дугох

M.M. = 90

Бу ке - ча ул ой
кул - ба - и эх - со - ни - ма кел - ди Кўн - гил чи - да - май но - ла - ю аф -
ко - ни - ма кел - ди Кўп - динти - ла - гим ко - мил ў - либ эл - да му - яс - сар
Хур - шид очиб чех - раша - бис - то - ни - ма кел - ди

Рақснинг қайд этилган жиҳатлари умуминсоний туйғуларни ўзида тўлақонли акс эттиришига асос бўлган. Рақснинг тарихий анъаналарни тиклаш, миллий анъаналарни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-маданий оламини бойитишда рақс санъатини ўрни катта.

Хулоса. Тадқиқот натижасида шундай тушунчалапр маълум бўлдики рақс ижрочилиги халқимиизда анъанавий услугга эга мукаммал мақомларнинг айтим йўлларига яқинроқ туради. Рақс санъати иқтидорли моҳир раққослар томонидан ижро этилган ва бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келган, улар маълум шароит ва урфодатларга таянган холда юзага келган. Рақс санъати билан мақомларни узвий боғланиши бир неча ашулалар асосида таҳлил этилди, мақомлардаги рақсбоб ашулалар номуналари ҳали охиригача ўрганилмаган.



Хоразм рақслари шўх ва асов Амударё юзлаб ирмоқларга бўлингани каби ўйин ва рақсларининг ҳам 101 хили бор. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти раҳнамолигида уюштирилган “Шарқ тароналари”, “Бойсун баҳори”, Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Марғилон шаҳарларининг юбилей тадбирларида, “Авесто -2700”, Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллиги тўйларида Хоразм рақслари айниқса “Лазги” рақси ижро этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова раҳбарлигидаги шўх ва дилбар қизлар дастаси жаҳоннинг қирқдан зиёд Осиё, Европа, Америка мамлакатларида “Лазги”, “Норим-норим”, “Оразибом”, “Ушлини уфориси”, “Уфори Наво”, “Уфори Дугоҳ” каби ўнлаб рақсларини маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлганлар.

Бугунги кунда рақс санъатига ихлос қўйган ижрочи раққосалар талайгина. Уларни илмий ва назарий томонларини ўрганиш мусиқашунос олимлар томонидан кенг кўламда олиб борилмоқда. Хоразм рақс туркумлари санъаткорларимиз ижро дастурларида ўрин олиб келаётгани бу санъатимизнинг умри боқийлигини кўрсатади.

References:

1. “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-ноябрь ПК 3391-сонли қарори.
2. “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими니 тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-феврал ПК 4585-сонли қарори.
3. Мирзияев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017
4. Матякубова Г. Офатижон лазги Урганч 1993
5. Матякубова Г. Лазги. Тошкент 2017
6. Матякубов О. Хоразм Дутор мақомлари ва Олти ярим мақоми. Янги аср авлоди нашриёти Тошкент 2018
7. Матякубов О. Болтаев Р. Аминов Х. Хоразм танбур чизиги. Тошкент 2010
8. Рахимова Г. Хорезмский танец Тошкент 1978
9. Соломонова Т. Ўзбек мусиқаси тарихи. Ташкент 1981
10. Юсупов М. Ўзбек халқ музикаси. VII-жилд Тошкент 1959
11. Кличев Т. Хоразм халқ театри. Тошкент 1988